



МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

ISSN 2010-9601

3
2015



ТОШКЕНТ

МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

3/2015

Муассис: Тошкент молия институти

Таҳририят ижодий жамоаси:

Бош муҳаррир:	А. Каримов
Бош муҳаррир ўринбосарлари:	Н. Ҳайдаров Х. Шеннаев
Масъул котиб:	А. Сапаров
Муҳаррир:	М. Ҳусанова
Техник муҳаррир:	М. Икромов
Саҳифаловчи:	А. Тиллахўжаев
Корректор:	Қ. Раҳматов

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуоти ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 24 мартда 0519-рақами билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чиқади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2009 йил 26 мартдаги 153/5-сонли Қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган ОАК илмий журналлари рўйхатига киритилган.

Веб-сайт: www.tfi.uz/Issues/Jmoliya
e-mail: moliya@tfi.uz
Обуна индекси: 1204

Таҳририят манзили: 100084,
Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли,
7-уй. Тел: 234-66-89

СУҒУРТА ИШИ

Б. Санакулова, Ф. Одилов. Ўзбекистонда аграр секторни суғурталаш масалалари	93
С. Матиязова. Анализ страхового рынка Узбекистана и тенденции его развития	97

СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

С. Ширинов. Ер солиғи тушумларини прогноз қилиш масалалари	101
Ғ. Сафаров. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ва тўловларнинг назарий тамойиллари	105
Ж. Аҳмедов. Инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг хориж тажрибалари	109

ПЕНСИЯ ИШИ

Ш. Закирходжаева. Пенсия тизими ислоҳотларини чуқурлашуви ва инвестициялаш жараёнларининг ривожлантириш масалалари	113
---	-----

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

А. Ваҳабов, Ш. Ражабов. Европа Иттифоқи мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тенденциялари	120
---	-----

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА

О. Камолов, Қ. Чинқулов. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш масалалари	125
Э. Турдиев, З. Пардасева. Масъулият марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиш	130
Д. Худайберганов, И. Маткаримова. Товар ва хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциялари	135
Р. Тапматова. Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш масалалари	140

С. Ширинов

**ЕР СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИНИ ПРОГНОЗ
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада ер солиғининг иқтисодий моҳияти, прогноз қилиш жараёни, прогноз қилишда қўлланилувчи усуллар, усуллардан фойдаланиш йўллари, ер солиғи тушумларига таъсир қилувчи омиллар, ер солиғи тушумлари бўйича прогноз кўрсаткичларини шакллантириш жараёнлари ёритилган.

Таянч сўзлар: ер солиғи, ер солиғи бўйича тушумлар, ўсиш суръати, динамик қатор, солиқ солиш базаси.

В статье изложены экономическая сущность земельного налога, процесс прогнозирования земельного налога, методы применяемые при прогнозировании, факторы, влияющие на налоговые поступления по акцизному налогу, процесс формирования прогнозных показателей.

Ключевые слова: земельный налог, налоговые поступления по земельному налогу, темпы роста, динамические ряды, налогооблагаемая база.

The article describes the economic essence of the land tax, the process of forecasting the land tax, the methods used in forecasting, factors affecting the tax revenue for the land tax, the formation of the targets on the land tax.

Keywords: land tax, forecasting, the tax revenue for the land tax, regression analysis, land tax rates, growth rates, time series, tax base.

1990 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ер учун тўловлар йиллик ер солиғи сифатида ундириладиган бўлди. 1991 йилда «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги, 1993 йилда «Ер солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши натижасида республикамизда ер солиғини амалга жорий қилишнинг механизми яратилди. 1997 йилда республикамизда амалда бўлган бир қатор солиқ қонунчилиги асосида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинди. Солиқ кодексининг қабул қилиниши ер солиғининг тўлақонли ҳуқуқий асосини яратишига олиб келди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг жами ер фонди қарийб 44410,3 минг гектарни ташкил этиб, шундан 57,8 фоизи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ихтиёридаги ер майдони ҳисобланади.

Табиатан ер солиғини иқтисодий моҳиятига кўра, рента тўловларига тенглаштирилади. Шу сабабли ер солиғи ер эгалари ва ердан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларидан қатъи назар ундирилиши талаб қилинади. Солиққа тортишнинг бундай тартиби ер эгалари, ердан фойдаланувчилар томонидан ердан оқилona фойдаланишга, ер бонитетини оширишга, тупроқ сифати фарқланувчи ерларда ердан фойдаланувчилар учун бир хил ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилишига, ерни талон-тарож қилинишига йўл қўймасликга иқтисодий-ҳуқуқий замин яратади.

Ўз мулкида, эгаллигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчилари ҳисобланади.

Ерга нисбатан мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкалари солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонларини чегириб ташлаш орқали солиқ солинмайдиган база аниқланади. Бошқа солиқ турларидан фарқли равишда ер солиғининг солиқ солиш объекти ва солиқ солиш базасининг ошиш даражаси чегараланган ҳисобланади. Чунки ер солиғининг солиқ солиш объекти ва базаси республикамизнинг ер ресурслари билан боғлиқ. Шу сабабли ер солиғининг прогнозлаштирилаётган йилда ошишига кўпроқ белгиланувчи солиқ ставкалари таъсир қилади.

Ер солиғини ундириш бўйича белгиланувчи солиқ ставкалари мураккаб таркибга эга. Шу сабабли ер солиғи тушумларини прогноз қилишда солиқ ставкаларининг кутилаётган прогноз кўрсаткичига таъсирини ҳисобга олиш мураккаб жараён ҳисобланади.

Ер солиғи ставкалари ер қийматидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида ернинг бозор қиймати шаклланмаганлиги сабабли, 1 гектар суғориладиган ердан олинмайдиган деҳқончилик ялпи маҳсулотининг ўртача қийматидан келиб чиқиб, уни шартли баҳолаш амалга оширилади.

Ер солиғи ставкаларини белгилашда тупроқ бонитети ҳисобга олинади. Балл-бонитет тупроқнинг генетик келиб чиқиши, механик таркиби, шўрланганлик даражаси, тупроқ қатламнинг сув ўтказа олиши, зичлиги каби бошқа табиий хоссалари асосида ўрнатилади. Республикамизда тупроқ бонитети 100 балли тизимда 10 та классга бўлинади. Яъни 1 класс ерлар ноль баллдан 10 баллгача, 10 класс ерлар 91 баллдан 100 баллгача баҳоланади. Ернинг балл-бонитети қанча юқори бўлса, ер солиғи ставкаси ҳам мос равишда шунча юқори белгиланади.

Ерлардан ноқишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланмайдиган юридик шахслар учун белгиланган ер солиғи ставкалари 8 гуруҳга ажратилади. Уларга қуйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар учун ундириладиган ер солиғи ставкалари;
- суғориладиган жамоа қишлоқ хўжалиги ерлари учун ундириладиган ер солиғи ставкалари;
- суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар учун ундириладиган ер солиғи ставкалари;
- лалми экинзорлар, бўз ерлар ва кўп йиллик кўчатлар учун ундириладиган ер солиғи ставкалари;
- Тошкент шаҳрида ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари;
- шаҳар ва посёлкалардаги ер участкаларидан олинмайдиган ер солиғи ставкалари;
- қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ундириладиган ер солиғи ставкалари;
- қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғи ставкалари.

Қишлоқ хўжалик ерларининг балл-бонитети ер участкаси мулкдори, ер

эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан пасайган ҳолларда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувигача амалда бўлган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳарлар ва шаҳар қўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорда ундирилади.

Ер солиғи бўйича солиқ тушумларни прогноз қилишда солиқ объекти, солиқ солиш базасига оид маълумотлар турли ҳисобот ва ҳисоб-китоб шаклларида йиғилади.

Қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китобининг асосий кўрсаткичларига ер участкасининг умумий майдони, солиқ солинмайдиган майдон, солиқ солинадиган база, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотлар киради.

Ер солиғи тушумларини прогноз қилишда зарур бўлган, қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китобининг асосий кўрсаткичларига суғориладиган жамоа қишлоқ хўжалик ерлари, лалмикор экинзорлар, қўриқ ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар, суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар майдонларининг қийматлари киради.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар асосида ер солиғини прогнозлаш учун зарур бўлган маълумотлар жамланади ва тадқиқ қилинади.

Прогнозлаштирилаётган йилда йиғилиши кутилаётган ер солиғи суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун шартли маълумотлардан фойдаланамиз (1-жадвал).

Экстрополяция усулидан фойдаланиш учун олдинги олти йилнинг ер солиғига оид ҳақиқатдаги маълумотлар йиғилади. Ундириладиган ер солиғининг солиқ базаси ва солиқ суммаларининг тадқиқоти учун танланган даврда эришилган ўсиш суръатлари (занжир усулида) қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда аниқланади:

$$T_n = \frac{Y_n}{Y_{n-1}}$$

Бу ерда, Y_n — ўсиш суръати аниқланувчи йилда кузатув натижасида аниқланган ҳақиқатдаги миқдор;

Y_{n-1} — ўсиш суръати аниқланувчи даврдан олдинги йилда кузатув натижасида аниқланган ҳақиқатдаги миқдор;

T_n — занжир усулида аниқланган ўсиш суръати.

1-жадвал маълумотлари юқорида келтирилган формула асосида аниқланиб, унда ер солиғининг солиқ солиш базасини ва солиқ суммаларини ўсиш суръатлари акс эттирилган.

Прогноз йили учун ер солиғи суммасининг кутилаётган ўртача ўсиш суръати ўртача геометрик усулдан фойдаланган ҳолда аниқланади:

$$T_{\text{ў}} = \sqrt[n]{T_1 * T_2 * \dots * T_n}$$

Занжир усулида аниқланган ўсиш суръатлари кўпайтмасининг 5 даражали илдизи — прогноз йили учун ер солиғи суммасининг кутилаётган ўсиш суръати ҳисобланади. Ер солиғи суммасининг кутилаётган ўсиш суръати олдинги йилдаги жами йиғилган ер солиғи суммасига кўпайтириб, прогноз йили учун белгиланувчи ер солиғи тушуми аниқланади.

1-жадвал
Прогнозлаштирилаётган йилда йилги кутилаётган ер солиғи суммасини таҳлили*

Ҳудуднинг солиқ базаси ва солиқнинг таъсир доираси	2010 йилда ҳақиқатда ундирилган ер солиғи миқдори		2011 йилда ҳақиқатда ундирилган ер солиғи миқдори		2012 йилда ҳақиқатда ундирилган ер солиғи миқдори		2013 йилда ҳақиқатда ундирилган ер солиғи миқдори		Прогнозлаштирилаётган йилда ундирилган ер солиғи миқдори		
	Муттақ миқдори	Ўсиш суръати, коэф.да	Муттақ миқдори	Ўсиш суръати, коэф.да	Муттақ миқдори	Ўсиш суръати, коэф.да	Муттақ миқдори	Ўсиш суръати, коэф.да	Беш йиллик ўсиш суръатлари-нинг йиллиги	2014 йилда нисбатан ўсиш суръати, коэф.да	
Ҳудуднинг солиқ базаси (ер солиғи, таъсир доираси)	640	1,02	670	1,05	702	1,05	720	1,03	790	1,06	
Ҳудуднинг солиқ базаси (ер солиғи, таъсир доираси)	519,7	1,06	545,8	1,05	571,5	1,05	856	1,50	603,2	0,70	
Ҳудуднинг солиқ базаси (ер солиғи, таъсир доираси)	625										1,04
Ҳудуднинг солиқ базаси (ер солиғи, таъсир доираси)	490,8										5,36
Ҳудуднинг солиқ базаси (ер солиғи, таъсир доираси)											1,042

* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Прогноз йили учун олиб борилган тадқиқотимизда ер солиғи тушумининг кутилаётган ўсиш суръати 1,042, 2014 йилда ҳақиқатда ундирилган ер солиғининг миқдори 603,2 млн сўм, прогноз йили учун кутилаётган ер солиғи йиғими 628,6 млн сўмга тенглашди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ер солиғи бўйича солиқ тушумларни прогнози кутилаётган ер солиғи суммасини аниқлашда ҳамда давлат бюджетини режалаштиришда асосий омилардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Перов А., Толкушкин А. Налоги и налогообложение: учебное пособие. – М.: Юрайт, 2012.
2. Тарасова В., Владыка М., Сапрыкина Т., Семькина Л. Налоги и налогообложение: учебник. – М.: Кнорус, 2012.
3. Майбуров И. и другие. Налоги и налогообложение: учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.
4. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти.

Ф. Сафаров

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚЛАР ВА ТЎЛОВЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мақолада табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ва тўловларнинг зарурати, мақсади, бу борадаги қарашлар, муаммолар ҳамда бартараф этишининг айрим масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: *хўжалик субъекти, табиий ресурслар, самара, фойдаланиш, ер солиғи, ер қаъри, махсус тўловлар, сув ресурслари.*

В статье освещаются вопросы, связанные с налогами и платежами за пользование природными ресурсами, обосновывается их необходимость, актуализируются имеющиеся проблемы и даются некоторые аспекты их решения.

Ключевые слова: *хозяйствующий субъект, природные ресурсы, эффективность, использование, земельный налог, недра, специальные платежи, водные ресурсы.*

In the article are deliberated taxes and payments for using natural resources, their necessity and purposes, theories about them, related problems and some aspects of dealing with them.

Keywords: *the managing subject, natural facility, efficiency, use, land-tax, depths, special payments, water facility.*

Солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг асосий ва муҳим манбаи ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳамма вақт солиқларга эътиборсиз қаралмаган. Давлат бошқарувининг ҳеч бир даврида давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг солиқлардан